



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 254-262 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш йўналишида молиявий назорат амалиёти ТАҲЛИЛИ



Халиков Акмал Холбоевич

Аннотация. Мазкур мақолада давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш йўналишида молиявий назорат амалиёти таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиб мамлакатимиз молиявий назорат тизимида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: жиддийлик (муҳимлик), махсус муҳимлик, умумий муҳимлик, муҳимлик чегараси, бузиб кўрсатишлар

Абстракт. In this article, specific features of the analysis of the financial control practice in the direction of effective use of the funds allocated from the state budget have been researched and suggestions and recommendations have been made for their application in the financial control system of our country.

Key words: материалитй, спесиял материалитй, овералл материалитй, пеформансэ материалитй, мисстатементс

Аннотация. В данной статье исследованы особенности анализа практики финансового контроля в направлении эффективного использования средств, выделяемых из государственного бюджета, а также даны предложения и рекомендации по их применению в системе финансового контроля нашей страны.

Ключевые слова: выраженность (значимость), особая значимость, общая значимость, порог значимости, искажения.

Кириш.

Жаҳон амалиётида етакчи молиявий институтлар томонидан ажратилаётган кредит ва молиявий ёрдам шаклидаги маблағлар, шунингдек, мамлакатлар давлат бюджети ва бошқа пул фондларидан турли йўналишларда ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилганлиги юзасидан молиявий назоратни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кенгайиб бормоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, “2021 йилда жаҳон банки томонидан Covid-19 пандемияси оқибатларини бартараф этиш мақсадида ажратилган 157 млрд. доллар, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган 83 млрд. доллар, иқлим ўзгаришига қарши чора-тадбирлар учун ажратилган 26 млрд. доллар ва соғлиқ сақлаш тизимини ривожлантириш учун берилган 8,4 млрд. доллар миқдоридagi маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланганлиги юзасидан ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижасида 946 млн. доллар ҳажмидаги маблағлар

нотўғри сарфланган, талон-тарож қилинган ва молиявий қонунбузилишларга йўл қўйилган”¹. Бундан кўринадики, давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда глобаллашув ва рақобатнинг кучайиб бориши шароитида давлат молиявий назоратини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларига оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Давлат молиявий назоратининг тамойилларини аниқ белгилаш, унинг мақсади ва йўналишларини тўғри аниқлаш, уни амалга ошириш методларини аниқлаш, молиявий назоратни амалга оширувчи ваколатли органларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат молиявий назорати даражасининг молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга таъсири, мазкур жараёнларни баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат молиявий назорат тадбирларини самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилиш ва уларда назорат тадбирларини ўтказиш, бюджет тизими бюджетларидан тўланаётган субсидияларнинг манзиллигини ва самарадорлигини баҳолаш, давлат харидларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш, давлат қарзи ва грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини ўрганиш”² Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар ички аудит хизматларининг биринчи навбатдаги муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифалар давлат молиявий назоратини амалга оширувчи ваколатли органлар томонидан ташқи ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзлари томонидан ички молиявий назорат тадбирларини амалга оширишнинг самарали усулларини қўллаш орқали молиявий қонунчиликка амал қилинишни таъминлашга қаратилган илмий-тадқиқотлар қўламини янада кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5283-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати

¹ <https://www.imf.org/external/pubs/ft/ar/2021/eng/downloads/imf-annual-report-2021-ru.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. – www.lex.uz

органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида». 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 августдаги 431-сон “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Жиддийлик (муҳимлик) – аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий ҳисобварақларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир. (Илҳамов 2011)

Муҳим бўлмаган (кичик) хатоликларнинг аудитор томонидан текширилмаслигига сабаб:

- бу хатоликлар жуда кичик ва инолиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар қарорига ҳар қандай вазиятда ҳам жиддий таъсир этмайди;

- кичик хатоликларнинг сабабини аниқлаш ва тўғрилаш учун кўп вақт ва маблағ талаб этилади;

- бу хатоларнинг сабабини аниқлаш ва тўғрилаш учун сарфланган вақт натижасида моҳиявий ҳисоботларни топшириш муддатлари ўтиб кетиши мумкин. (Аҳмеджанов ва Якубов 2010)

Аудитда жиддийлик, таваккалчилик, бизнес таваккалчилиги ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш. Ички хўжалик назорат тизими билан танишиш ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш. (Санаяев ва Нарзиев 2001)

Муҳимлик даражаси молиявий ҳисоботларни қанчалик ўтказиб юбориш мумкинлиги ҳақида кўрсатма беради. (Мансон ва Заман 2001)

Бошқача қилиб айтганда, муҳимлилик даражаси аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга тақдим этилган ишонч даражасини акс эттиради. (Сох ва бошқалар 2013)

Бинобарин, муҳимлик тўғридан-тўғри аудит ўтказиш ва кейинги фикрга боғлиқ бўлсада, муҳимлик ҳақидаги маълумотларнинг этишмаслиги фойдаланувчилар (инвесторлар) ва тартибга солувчиларнинг аудиторларнинг муҳимликни қўллашига жуда шубҳа билан қарашларига сабаб бўлди. (Туттле ва бошқалар, 2002)

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда индукция, дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, адаптив усуллар, интеграцион ёндашувлар, активлар қадрсизланиш ҳисоби ва усуларини такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Давлат молиясини ташкил қилинишининг муҳим сабабаларидан бири бу давлат бюджетидан маблағ олувчилар орқали давлат томонидан жамиятга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг бир маромда молиялаштирилишига

эришишнинг маъмурий усуллари самарали фойдаланиш бўлса, бошқа томондан ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми сифатида бюджетга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг жамият манфаатига хизмат қилишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қараш мумкин. Давлат бюджетидан маблағ олувчилар томонидан ўзларининг харажатлар сметаси доирасида оладиган молиявий маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши, маблағларнинг ноқонуний сарфланмаслиги, давлат харидлари доирасида товар(хизмат, иш)ларни сотиб олиши, уларнинг нархларининг асоссиз оширилмаганлиги, шунинг капитал қурилиш ишлари жараёнида коррупцион ҳолатларга йўл қўйилмаслиги, мавжуд моддий техника воситаларининг бус-бутлигини таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолатлари билан иқтисодий муносабатларни тартибга солиш молиявий назоратни тўғри ташкил қилиш, уни амалга оширишни тақозо этади.

Албатта бу жараённи таъминлаш молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланишини, молиявий назорат объектлари томонидан бюджет қонунчилигига, шунингдек бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилиши билан молиявий ташкилий-иқтисодий жараёнларга эҳтиёж туғдиради. Молиявий назорат нафақат бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга ошириладиган молиявий муносабатларни шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг қароли остида жалб қилинган кредитлардан, шунингдек инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан ҳамда давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бошқа жамғармалар маблағларидан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилишини³ қамраб олади. Шу жиҳатдан олганда давлат бюджетдан маблағ олувчилар томонидан олинган молиявий маблағларнинг мақсадли, самарали ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш молиявий бошқарув тизимидаги долзалб масалалардан саналади.

Давлатнинг пайдо бўлиши биланоқ давлат ғазнаси сифатида шакланган пул фондлари маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган махсус бўлинмалар ташкил этилиб келинган бўлса, давлат молияси билан боғлиқ тадқиқотларнинг марказида молиявий назорат масалалари кенг ўрин олиб келган. Бу жараён билан боғлиқ масалалар кўпгина молиячи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Жумладан, М.В.Романовский О.В. Врублевская молиявий назоратга оид тадқиқотларида молиявий назоратни назорат субъектлари томонидан молиявий ва тегишли текширишлар доирасида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуаси сифатида талқин қилган бўлса, “Финансы” дарслиги муаллифи Л. А. Дробозина молиявий назоратнинг ташкилий-услугий асослари, молиявий назоратнинг турлари, молиявий назоратни ўтказишда давлат органларининг иштироки каби масалаларга оид илмий назарий қарашларни илгари сурган, молия соҳасидаги

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 870-сон қарори билан тасдиқлаган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисида НИЗОМ”

назарияси олимлар Ю. С. Долганова, Н.Ю. Исакова, Н.А. Истоминалар давлат молиявий назоратни амалга оширишда молиявий назоратнинг функцияларини кўрсатиб берган⁴, проф. И.Д. Мацкуляк⁵ эса, молиявий назоратни давлат молиявий назорати, контрагентлар билан молиявий-ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат ва нодавлат молиявий назорати ўртасидаги боғлиқликлар сифатида тадқиқ этган⁶. Бундан ташқари Мухаев Р.Т, Миляков Н.В., Нитти Ф., Павлова Л.Н., Пушкарева В.М., Эберглар⁷ давлат молия тизимида молиявий назоратнинг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни ёритган. Ўзбек олимларидан Т.Маликов, О.Олимжонов молиявий назоратни молиянинг назорат функцияси нуқтаи назаридан талқин қилиб, молиявий назоратни функциялари, уни амалга оширувчи органларнинг роли, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, ўзбек иқтисодчи олимлари А.А.Шернаев, Н.Э.Жияновлар давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-ҳуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга йўналтирилган тизимидир деб баҳолаган⁸.

Албатта давлат молиявий назоратини турли даврларга нисбатан ҳолатда илмий-амалий таҳлил қилиб ўз моҳиятига эга деб ҳисоблаймиз. Молиявий назоратнинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда, бу жараёни тартибга солишнинг тактик йўналишларини ишлаб чиқишга имкон туғилади.

Мазмунан қараганда давлатнинг молиявий назоратини зарурат қилиб қўядиган ижтимоий-иқтисодий омиллар сифатида давлатнинг турли даражадаги пул фондларидан молиявий маблағ олувчиларда молиявий саводхонлик, этика, билим, кўникма ҳамда ҳуқуқий саводхонлик билан бир қаторда касбий фазилатлар борасида хануз муаммоларнинг сақланиб қолинаётганликларини келтириш мумкин. Таъкидлаганимиздек, молиявий назорат бюджет ва бошқа пул фондларидан сарфланаётган маблағларнинг самарали фойдаланишни таъминлаб беришга хизмат қилиб, унинг натижавий таҳлиллари молиявий қонунбузарликларни содир этган мутахассисларни билимини ошириш, уларни тўғри йўлга ундаш, маблағларнинг ўз эгасига боришини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда Молия вазирлиги таркибидаги давлат молиявий назорат департаментининг маълумотларига⁹ кўра, бюджет ташкилотларида ўтказилган

⁴ Финансы : учебник / Ю. С. Долганова, Н.Ю. Исакова, Н.А. Истомина [и др.] ; под общ. ред. канд. экон. наук, доц. Н.Ю. Исаковой ; Мин-во обр. и науки РФ. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. — 65 с.

⁵ Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д.Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007. с.23

⁶ Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д.Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007. с.23.

⁷ “Государственные и муниципальные финансы”, “Юриспруденция”, “Политология” - 2-е изд., перераб. и доп. (ГРИФ) /Мухаев Р.Т. ; Мухаев Р. Т. ; 2009; Юнити-Дана., Финанс. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Л. А. Дробозиной. — М.: ЮНИТИ, 2001. — 527 с., Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / М.В. Романовский и др.; Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. — М.: ЮрайтИздат, 2006. - 106с.

⁸ А.А.Шернаев, Н.Э.Жиянова Давлат молиясини бошқариш. 5А230601 – «Давлат молиясини бошқариш», 5А230604 «Халқаро молия» магистратура мутахассислари учун дарслик. – Т.: ТФИ, 2019. – 365 б.

⁹ Мазкур маълумотлар Молия вазирлигининг mf.uz сайти ва вазирликнинг расмий маълумотларига асосланиб, маълумотларни эълон қилиб борган бошқа расмий сайтлар ([масалан kun.uz](http://masalan.kun.uz))даги маълумотларига асосланган.

назорат тадбирларида қуйидаги тизимли такрорланувчи қонунбузилиш ҳолатлари жумладан, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига зид равишда ортиқча бюджет маблағларини режалаштириш; тарификация рўйхатини тузишда вакант лавозимларга юқори таъриф разрядларини қўлланилиши ҳисобига ортиқча бюджет маблағларини режалаштириш; вакант лавозимлар ҳисобига иқтисод қилинган маблағлар (ҳисобот даври якуни билан) тегишли бюджетга қайтарилмаслиги; меҳнатга ҳақ тўлашда лавозим разрядлари ва коэффициентларига амал қилмасдан ҳамда устама тўловларини нотўғри қўллаш ҳисобига ортиқча харажатларга йўл қуйиш; озиқ-овқат, дори-дармон, ёқилғи-мойлаш ва бошқа маҳсулотларини ҳисобдан чиқаришда харажатлар нормаларига риоя қилмаслик ҳолатлари ва шу кабилар кўпроқ учраб бормоқда.

1-жадвал

2018-2020 йиллар давомида бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий қонунчиликларга амал қилиш бўйича молиявий нazorat таҳлиллари¹⁰

| № | Кўрсаткичлар (ҳудудлар) | 2018 йил | | | 2019 йил | | | 2020 йил | | |
|--------------|---------------------------------|--------------------------------------|---|--|--------------------------------------|---|--|--------------------------------------|---|--|
| | | Ўтказилган нazorat тадбирлар сони | Нazorat тадбирлари натижасида аниқланган ноқонуний сарфлар миқдори(млн.сўм) | Пул маблағлари ва товар моддий қийматликлар бўйича камомад ва етишмовчилик миқдори (млн.сўм) | Ўтказилган нazorat тадбирлар сони | Нazorat тадбирлари натижасида аниқланган ноқонуний сарфлар миқдори(млн.сўм) | Пул маблағлари ва товар моддий қийматликлар бўйича камомад ва етишмовчилик миқдори (млн.сўм) | Ўтказилган нazorat тадбирлар сони | Нazorat тадбирлари натижасида аниқланган ноқонуний сарфлар миқдори(млн.сўм) | Пул маблағлари ва товар моддий қийматликлар бўйича камомад ва етишмовчилик миқдори (млн.сўм) |
| 1 | Республика бюджети бўйича | 93 | 987,1 | 73,2 | 90 | 4 911,3 | 3 770,8 | 65 | 8 730,2 | 1 554,6 |
| 2 | Маҳаллий бюджет бўйича | 301 | 3 914,5 | 2 030,6 | 453 | 5 891,3 | 2 018,8 | 163 | 5 102,4 | 2 616,21 |
| Жами: | | 394 | 4 901,6 | 2 103,8 | 543 | 10 802,6 | 5 789,6 | 228 | 13 832,6 | 4 170,8 |

Келтирилган жадал маълумотига қарайдиган бўлса, давлат бюджетининг республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилган молиявий маблағларнинг сарфланиши юзасидан ўтказилган 394 та ўтказилган молиявий нazorat таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилнинг ўзида 4901,6 млн сўм миқдорда ноқонуний маблағларнинг сарфланиши аниқланган бўлса, шундан, 2103,8 млн сўмлик маблағлар пул маблағлари ва товар-моддий қийматликларнинг камомади доирасидаги молиявий

¹⁰ Ўзбекистон Молия вазирлиги давлат молиявий нazorat департаментининг маълумотлари асосида тузилган.

қонунбузилишлар доирасида бўлган. Бу кўрсаткичларнинг 2019 ва 2020 йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, бу йилларда ўтказилган тадбирлар сони мос ҳолда 543 ва 228 та, ноқонуний маблағларнинг сарфланиши миқдори мос ҳолда 10 802,6 ва 13 832,6 млн сўмни, ўз навбатида маблағлар пул маблағлари ва товар-моддий қийматликларнинг камомади доирасидаги молиявий қонунбузилишлар эса мос ҳолда 5 789,6 ва 4 170,8 млн сўмни ташкил этган. Ташвишли ҳол шундан иборатки, молиявий қонунбузилишлар сон ва зарар миқдори йиллар давомида ошиб борган. Албатта бу каби молиявий қонунбузарликлар аниқланиши ҳали масаланинг бир томони бўлиб, аниқланган қонунбузарликлар асосида молиявий назорат тадбирлари шаклида бу маблағларнинг фойдаланиши бу мақсадликни таъминлаш муҳим саналади. Буни қуйида келтириладиган жадвал мисолида таҳлил қиламиз (2-жадвал).

2-жадвал

2018-2020 йиллар давомида бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда аниқланган молиявий қонунчилик юзасидан назорат тадбирлари бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги амал қилиш бўйича молиявий назорат таҳлили¹¹

| № | Кўрсаткичлар (худудлар) | 2018 йил | | | 2019 йил | | | 2020 йил | | |
|---|----------------------------|--|---|---|--|---|---|--|---|---|
| | | Ноқонуний ва ортиқча сарфлар миқдори (млн.сўм) | Қайтарилган маблағлар миқдори (млн.сўм) | Қўшимча ҳисобланган маблағлар миқдори (млн.сўм) | Ноқонуний ва ортиқча сарфлар миқдори (млн.сўм) | Қайтарилган маблағлар миқдори (млн.сўм) | Қўшимча ҳисобланган маблағлар миқдори (млн.сўм) | Ноқонуний ва ортиқча сарфлар миқдори (млн.сўм) | Қайтарилган маблағлар миқдори (млн.сўм) | Қўшимча ҳисобланган маблағлар миқдори (млн.сўм) |
| 1 | Республика бюджети бўйича | 17,6 | 27,5 | 31,1 | 140,5 | 864,4 | 79,7 | 175,5 | 518,7 | 413,9 |
| 2 | Маҳаллий бюджет бўйича | 787,3 | 875,3 | 86,1 | 872,5 | 994,1 | 03,4 | 486,2 | 570,8 | 74,8 |
| | Жами: | 404,9 | 602,8 | 17,2 | 1013,0 | 858,5 | 83,1 | 661,7 | 3 089,5 | 888,7 |

2-жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, давлат молиявий назорат бўлинмалари томонидан ўтказилган молиявий назорат доирасида аниқланган молиявий қонунчиликлар натижасида 2018 йилда ноқонуний ва ортиқча маблағлар миқдори 3404,9 млн сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 5013,0 млн сўм, 2020 йилда эса 9661,7 млн сўмни ташкил этган ҳолда 2020 йилда 2018 йилга нисбатан,

¹¹ Ўзбекистон Молия вазирлиги давлат молиявий назорат департаментининг маълумотлари асосида тузилган.

қарийиб 3 мартага ошган бўлиб бу албатта молиявий-ҳуқуқий тадбирларни кучайтиришни тақозо этади. Бу маблағларнинг бюджетга қайтарилиши бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аввалги йиллардаги маблағларни ҳам ҳисобга олганда 2018 йилда 3602,8 млн сўмлик, 2019 йилда 9858,5 млн сўмлик ва 20120 йилда 13089,5 млн сўмлик маблағлар қайтарилган ва маблағларнинг мақсадлилиги таъминланган.

Ўз навбатида таҳлил қилинаётган йиллар давомида молиявий тадбирлар натижасида қонунбузилишларга олиб келинган ҳолатлар бўйича молиявий жазо чоралари сифатида 2018 йилда 517,2 млн сўмлик қўшимча маблағлар ҳисобланган бўлса, 2020 йилда 3888,7 сўмлик бюджетга қўшимча маблағлар ҳисобланган.

5. Хулоса.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келишимиз мумкин бўладики давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва уни амалга оширишда маълум бир ташкилий инструментларга асосланади. Албатта, молиявий назоратни маълум бир ташкилий тизимларга асосланган ҳолда амалга ошириш унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Давлат молиявий назоратнинг ташкилий асослари деганда бизнинг фикримизча, уни ташкил этишдан тортиб то унинг якуний натижалари бўйича эришилган самарадорликкача бўлган жараёнларни маълум бир тизимлаштирган ҳолда амалга оширишни таъминлайдиган элементларнинг ўзаро боғлиқлиги тушунилади.

боғлиқ бўлади, агар, мутахассис малакали бўлмаса ёки тажрибаси етарли бўлмаса, аниқлаб олинган вазифаларни амалга ошириш шубҳа остида қолади.

Молиявий назоратнинг принципларини белгилаш ва унга амал қилиш йўналишлари белгилаш ҳам муҳим саналади. Молиявий назоратда амал қилинадиган принципларини аниқлаш уни амалга оширишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беради. Давлат молиявий назоратни амалга оширишда қўлланиладиган принциплар хусусида қарашлар турли тумандир. Муаллифлар томонидан тавсия этилаётган принципларнинг ҳар бирининг ўз хусусияти мавжуддир. Аксарият тавсияларда қонунийлик, очиқлик, тизимлилик принциплар учрайди. Айрим қарашларда эса, режалилик, самарадорлик, мувофиқлашувчанлик, диалектик ёндошув, мантиқийлик принциплар ҳам тақлиф қилинади.

Биз томонимиздан давлат молиявий назоратнинг принциплари тизимининг умумий моҳияти шундан иборатки, назорат принципларининг ўзини ҳам уч турга: ташкилий, амалий ва якуний принципларга ажратиш ўз самарасини беради. Агар, давлат молиявий назоратини амалга оширишда унинг ташкил этишда унинг муҳим принципларига мувофиқ ташкил этса, якуний натижага ижобий таъсир қилади. Бунда молиявий назорат аниқ бўлиши керак, у аниқ мақсадга қаратилган бўлиши керак, сабаби мақсад аниқлаштирилмаса, уни амалий жиҳатдан амалга ошириш стихияли тус олади. Молиявий назоратнинг ташкилий принциплари уни амалга оширувчи мутахассисларнинг касбий савияси ва тажрибасидан келиб чиқиб белгилаш лозим бўлади, молиявий назоратдан кутилаётган самара ёки натижанинг мазмунидан келиб чиқиб, мутахассисларни белгилаш зарур бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги маъсулиятини ошириш тўғрисида”ги ПҚ 5075-сонли Қарори.- www.lex.uz
2. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. /под ред. Я.В.Цоколова. – М.: Финансы и статистика, 2013. -560 с.
3. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси» нашриёти, 2003. -612 б.
4. Ўразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 2004-й
5. www.mf.uz
6. www.lex.uz

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

